



" 18 " июнь 2014 у. № ММ/12-01-32-24/620
" " 201 у. №

Ахборот-ҳисоблаш маркази
директори У.Солиевга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сизнинг 22 апрел 2014 йилдаги 26-31-14-05/277-сонли хатингизни ўрганиб чиқиб, "UZASBO" дастурий мажмуасида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишловчи ишчи-ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисоблашда иловада келтирилган савол-жавоблардан фойдаланишингиз лозимлигини билдиради.

Вазир ўринбосари

М.Мирзаев

Таълим соҳаси бўйича

1-савол

Юқори синфларда олий тоифали математика ўқитувчиси

Ўқув соати	-	24
Педагогик соати	-	19,2
Директор жамғармасидан устама	-	15%
5-“А” синфда	-	14 ўқувчи
5-“В” синфда	-	27 ўқувчи
Берилган маълумотлар асосида сентябрь ойи учун қуйидагиларнинг суммасини аниқлаш керак:		
Оклад	-	
Директор жамғармасидан устама	-	
Дафтар текширганлиги учун	-	
Жами-?		

Жавоб:

Олий тоифали юқори синфларда математика фани ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси- 706 486 сўм.

Ойлик иш ҳақи миқдори- 847 784 сўм (ўқув соатлари учун 470 991 сўм+пед юклама учун 376 793 сўм)

Директор жамғармасидан устама – 127 168 сўм ($847\,784 \cdot 15\%$)

Дафтар текширганлиги учун тўлов:

1-вариант

5“А” ва 5“В” синфлардаги ўқув соатлари бир ҳил бўлганда, яъни 12 соатдан:

$43\,247$ сўм ($24026/20 \cdot 12 + 48052,5/20 \cdot 12$)

2-вариант

5“А” синфда 10 соат ва 5“В” синфда 14 ўқув соатлари ўтилганда:

$45\,650$ сўм ($24\,026/20 \cdot 10 + 48\,052,5/20 \cdot 14$)

Жами бир ойлик иш ҳақи фонди:

1-вариант бўйича $1\,018\,199$ сўм. ($847\,784 + 127\,168 + 43\,247$)

2-вариант бўйича $1\,020\,602$ сўм. ($847\,784 + 127\,168 + 45\,650$)

2-савол

Бошланғич синфларда рус тили ўқитувчиси

Ўқув соати - 12

Педагогик соати	-	12
Директор жамғармасидан устама	-	10%
Синфда болалар сони	-	15 та

Берилган маълумотлар асосида сентябрь ойи учун куйидагиларнинг суммасини аниқлаш керак:

Оклад	-
Директор жамғармасидан устама	-
Дафтар текширганлиги учун	-
Жами-?	

Жавоб:

Малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли рус тили ўқитувчиси базавий тариф ставкаси- 632 556 сўм.

Ойлик иш ҳақи миқдори – 421 704 сўм (ўқув соатлари учун 210 852 сўм+пед юклама учун 210 852 сўм)

Директор жамғармасидан устама – 42 170 сўм ($421\,704 \cdot 10\%$)

Дафтар текширганлиги учун тўлов (синфлардаги тўлиқлик 15 нафаргача бўлса) - 16 017 сўм ($24\,026/18 \cdot 12$)

Ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган қишлоқ жойларда жойлашган мактабларда ишловчи рус тили ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи миқдорлари 15 фоизга оширилади.

1-вариант

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган мактабда:

Рус тили ўқитувчисига устама 63 256 сўм ($421\,704 \cdot 15\%$)

Жами бир ойлик иш ҳақи фонди 543 147 сўм.
($421\,704 + 42\,170 + 16\,017 + 63\,256$)

2-вариант

Тошкент шаҳридаги мактабда

Жами бир ойлик иш ҳақи фонди 479 891 сўм.
($421\,704 + 42\,170 + 16\,017$)

3-савол

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга асосан кетма-кет икки ойдан ортиқ бўлмаган даврда касаллик ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишлаб берилган соатлар учун ҳақ тўлашда масалан, олий маълумотли математика ўқитувчиси сентябрь ойида 1-тоифали физика ўқитувчиси ўрнига 15 соат дарс ўтган бўлса қўшимча ўтган дарс соати қандай ҳисобланади, меҳнат таътили ҳисобланганда қўшимча ўтилган соат учун ҳисобланган суммалар ҳисобга олинadими?

Жавоб:

Бир мактабнинг ўзида ишлайдиган малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли математика ўқитувчиси 1-тоифали физика ўқитувчиси ўрнига сентябрь ойида 15-соат дарс ўтган бўлса, унга малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли мутахассис лавозими бўйича соатбай тўлов асосида ҳақ тўланади. Яъни вақтинча дарс соат ўтган ўқитувчининг тоифасидан келиб чиққан ҳолда соатбай тўлов асосида ҳақ тўланади.

$78\,207 = 5213,8$ сўм (олий маълумотли юқори синф ўқитувчининг соатбай иш ҳақи миқдори базавий тариф ставкаси) $\times 15$ (ўқув дарс соатлари учун)

Меҳнат таътили пуллари ҳисоблашда ушбу тўловлар ҳисобга олинмайди.

4-савол

Юқорида кўрсатилган математика ўқитувчисининг директор жамғармаси устамаси (15%) 2014 йил январь ойидан олиб ташланса 2014 йил июнь ойида навбатдаги меҳнат таътили қандай ҳисобланади?

Жавоб:

5“А” ва 5“В” синфлардаги ўқув соатлари бир хил бўлганда (яъни 12 соатдан), ҳамда ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкалари ва минимал иш ҳақи миқдори ўқув йили давомида ўзгартирилмаганда:

Ойлик иш ҳақи миқдори– 847 784 сўм;

Директор жамғармасидан устама – 127 168 сўм;

Дафтар текширганлиги учун тўлов 43 247 сўм.

Меҳнат таътили ҳисоби:

$1\,763\,944$ сўм $[847\,784 + 43\,247 + (127\,168 \times 4) / 12] / 25,4 \times 48$

5-савол

Август ойида ва қишки киникул даврида ўқув соатлари йўқлиги сабабли ўқитувчиларга қуйидаги устамалардан қайсилари тўланади:

Директор жамғармасидан устама

Дафтар текширганлиги учун устама

Синф раҳбариги учун устама

Жавоб:

Ўқувчиларнинг таътили даврида ўқитувчиларга тарификация бўйича белгиланган барча қўшимча ва устамалар, шу жумладан синф раҳбарлик, дафтар текшириш ва директор жамғармаси ҳисобидан белгиланган устамалар ҳам сақланган ҳолда меҳнатига ҳақ тўланади.

6-савол.

Ўқитувчиларга меҳнат таътили ҳисоблашга аниқлик киритиб беришингизни, яъни қайси устамалар лавозим маъошига киритилади ва қайсилари ўртача ойлик ҳисобланганда 1/12 (1/10 педагогик ходимлар учун) га киритилади?

Жавоб:

Ўқитувчининг меҳнат таътилига чиқиш пайтида тарификация рўйхатига киритилган барча устама (директор жамғармаси ҳисобидан белгиланадиган устамалардан ташқари) ва қўшимчалар (дафтар текшириш, синф раҳбарлик ва ҳок.) лавозим маошига киритилади.

Меҳнат таътилига чиқишда ўртача иш ҳақи миқдори вақтинча, Директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган устамалар, мукофот пуллари ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа турдаги тўловлар 1/12 қисмига оширилган ҳолда ҳисобга олинади.

7-савол

Агар ўқитувчи ўқув даврида малака оширишга юборилса унинг қандай устамалар сақлаб қолинади?

Жавоб:

Ўқитувчи малака ошириш курсларига юборилган бўлса, ўқишга юборилган кунига тарификация бўйича белгиланган барча қўшимча ва устамалар, шу жумладан синф раҳбарлик, дафтар текшириш ва директор жамғармаси ҳисобидан белгиланган устамалар ҳам сақланган ҳолда меҳнатига ҳақ тўланади.

8-савол

Касб хунари коллежида олий маълумотли ўқитувчиси

Ўқув соати - 1040

Педагогик соати - 962

Директор жамғармасидан устама -30%

Берилган маълумотлар асосида 2014 йил феврал ойи учун қуйидагиларнинг суммасини аниқлаш керак:

Оклад -

Директор жамғармасидан устама -

Дафтар текширганлиги учун -

Жами ? -

Жавоб:

Касб-хунари коллежида олий маълумотли математика фани ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси – 680601 сўм.

Ойлик иш ҳақи миқдори – 884781 сўм;

Директор жамғармасидан устама (30 %) – 265434 сўм ($884781 \cdot 30\%$)

Дафтар текширганлиги учун тўлов – 62468 сўм ($1040/800 \cdot 96105 \cdot 50\%$);

Жами бир ойлик иш ҳақи фонди: 1212684 сўм.

9-савол.

Касб хунар коллежида олий маълумотли ўқитувчиси

Ўқув соати	-	740
Педагогик соати	-	684.5
Директор жамғармасидан устама	-	30%

Берилган маълумотлар асосида 2014 йил феврал ойи учун қуйидагиларнинг суммасини аниқлаш керак:

Оклад	-
Директор жамғармасидан устама	-
Дафтар текширганлиги учун жами	-?

Жавоб:

Касб-хунар коллежида олий маълумотли математика фани ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси – 680 601 сўм.

Ойлик иш ҳақи миқдори – 629 556 сўм;

Директор жамғармасидан устама (30 %) – 188 867 сўм ($629\,556 \cdot 30\%$)

Дафтар текширганлиги учун тўлов – 44 449 сўм ($740/800 \cdot 96\,105 \cdot 50\%$);

Жами бир ойлик иш ҳақи фонди: 862 872 сўм. ($629\,556 + 188\,867 + 44\,449$)

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича савол ва мисоллар:

1-савол.

Ойлик норма	-	170 соат
Ставка	-	1
Разряди	-	5
Тариф коэффиценти	-	4,609

Соғлиқ учун ўта хавфли шароитда

ишлаганлиги учун қўшимча устама	-	25%
---------------------------------	---	-----

Узлуксиз иш стажига эга бўлганлиги учун эса	-	15%
---	---	-----

Ишчи январь ойида **178** соат ишлаган.

Берилган маълумотлар асосида бир ойлик жами иш ҳақини миқдорини аниқлаш керак.

Жавоб:

Энг кам ойлик иш ҳақи	-	<u>96 105</u>
-----------------------	---	---------------

Ойлик маоши	-	<u>442 947,9</u> ($96\,105 \cdot 4,609 \cdot 1$;
-------------	---	--

энг кам ойлик иш ҳақи*разряд коэфф.*ставка)

Хавфли шароитда ишлаганлиги учун	-	<u>110 737,0</u> ($442\,947,9 \cdot 25\%$)
----------------------------------	---	--

Узлуксиз иш стаж учун	-	<u>66 442,2</u> ($442\,947,9 \cdot 15\%$)
-----------------------	---	---

Норма бўйича бир ойлик иш ҳақи	-	<u>620 127,1</u> ($442\,947,9 + 110\,737 + 66\,442,2$)
--------------------------------	---	--

Нормадан ортиқча хар бир соат учун 110 737)/170)	-	<u>3 257,0</u>	((442 947,9 +
Нормадан ортиқча соатлар учун	-	<u>26 056,0</u>	(3 257,0*8)
Жами бир ойлик иш хақи миқдори (620 127,1+26 056,0)	-		<u>646 183,1</u>

2- савол.

Ойлик норма	-	170 соат
Ставка	-	1
Разряди	-	5
Тариф коэффиценти	-	4,609
Соғлиқ учун ўта хавфли шароитда ишлаганлиги учун қўшимча устама	-	25%
Узлуксиз иш стажига эга бўлганлиги учун эса	-	15%

Ишчи ой давомида **148** соат ишлаган.

Берилган маълумотлар асосида бир ойлик жами иш ҳақини миқдорини аниқлаш керак.

Жавоб:

Энг кам ойлик иш хақи	-	<u>96 105</u>
Ойлик маоши	-	<u>442 947,9</u> (96 105 * 4,609 *
1;0 энг кам ойлик иш хақи * разряд коэфф.* ставка)		
Хавфли шароитда ишлаганлиги учун	-	<u>110 737,0</u> (442 947,9 * 25%)
Узлуксиз иш стажи учун	-	<u>66 442,2</u> (442 947,9 * 15%)
Норма бўйича бир ойлик иш хақи	-	<u>620 127,1</u> (442 947,9 + 110 737 +
66 442,2)		
1 соат учун иш хақи	-	<u>3 647,8</u> (620 127,1/170)
Жами бир ойлик иш хақи миқдори	-	<u>539 874,4</u> (3 647,8 * 148).

3-савол.

Жами иш куни	-	24 кун
Ставка	-	1,5
Разряди	-	10
Тариф коэффиценти	-	7,629
Соғлиқ учун ўта хавфли шароитда ишлаганлиги учун қўшимча устама	-	25%
Узлуксиз иш стажига эга бўлганлиги учун эса	-	15%

Ишчи **24 кун** ишлаган.

Берилган маълумотлар асосида бир ойлик жами иш ҳақини миқдорини аниқлаш керак.

Жавоб:

Энг кам ойлик иш хақи	-	<u>96 105</u>
Ойлик маоши	-	<u>1 099 777,6</u> (96 105 * 7,629
* 1,5)		
Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари		

оғир бўлганлиги учун қўшимча тўлов - 274 944,4 (1 099 777,6 * 25%)

Узлуксиз иш стажи учун устама (1ставка учун) - 109 977,8 (96 105 * 7,629 *

1 * 15%)

Бир ойда иш хақи - 1 484 699,8 (1 099 777,6 + 274 944,4 + 109 977,8)

1 кун учун иш хақи - 61 862,5 (1 484 699,8/24)

Бир ойлик жами иш хақи миқдори - 1 484 699,8 (61 862,5 * 24)

4-савол.

Жами иш куни - 24 кун

Ставка - 0,75

Разряди - 10

Тариф коэффиценти - 7,629

Соғлиқ учун ўта хавфли шароитда

ишлаганлиги учун қўшимча устама - 25%

Узлуксиз иш стажига эга бўлганлиги учун эса - 15%

Ишчи февраль ойида **24 кун** ишлаган.

Берилган маълумотлар асосида бир ойлик жами иш ҳақини миқдорини аниқлаш керак.

Жавоб:

Энг кам ойлик иш хақи - 96 105

Ойлик маоши - 549 888,8 (96 105 * 7,629 * 0,75)

Соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари

оғир бўлганлиги учун қўшимча тўлов 137 472,2 (549 888,8 * 25%)

Узлуксиз иш стажи учун

устама (1ставка учун) - 82 483,3 (96 105 * 7,629 * 0,75 * 15%)

Бир ойда иш хақи - 769 844,3 (549 888,8 + 137 472,2 + 82 483,3)

1 кун учун иш хақи - 32 076,9 (769 844,3/24)

Бир ойлик жами иш хақи миқдори - 769 844,3 (32 076,9 * 24)

5-Савол.

Тиббиёт ходимларига меҳнат таътили ҳисоблашга аниқлик киритиб беришингизни, яъни қайси устамалар лавозим маъошига киритилади ва қайсилари ўртача ойлик ҳисобланганда 1/12 га киритилади?

Жавоб:

А. Барча доимий қўшимча тўловлар ва устамалар (ш.ж. бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан) қушилган ҳолда лавозим маоши аниқланади. Охирги лавозим маоши олинади.

Яъни:

Такомиллаштирилган ёки ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкаси + қўшимча тўловлар ва устамалар (стаж учун, зарарлик учун, мудирлик учун ва бошқ., яъни доимий турдаги).

Б. Ишлаган даврида (1 йилда) мукофотлар, ўриндошлик учун тўловлар, кечки соатларда ишлаган учун (ва бошқ.) тўловлар 1/12 қисми ҳисобланади.

С. Меҳнат таътили учун тўлов = (Лавозим маоши (А) + тўловларнинг 1/12 қисми (В)) / 25,4 (бир ойда иш кунларнинг ўртача сони) × меҳнат таътилида кунлар сони.